



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Наргиза Музафаровна Бабаева Жаҳон лизинг хизматлари бозорининг ҳолати таҳлили ва ўзбекистонда унинг ривожланиш тенденциялари.	70
Рамз Зоиржон ўғли Мухаммадиев Тиббий хизмат сифатини яхшилашда юқори технологиялар ўрни.	77
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Гульнара Мардиевна Шадиева, Бону Бахтиёрвна Давронова Туризм в Узбекистане: драйвер экономического роста и социальной стабильности	80
Maksuda Valeriyevna Israilova Sog'lomlashtirish turizmning mohiyati va rivojlanish tarixi.	84
Dilshod Usmanovich Ruzmanov Turizmда madaniy-tarixiy resurslar salohiyatidan samarali foydalanish usullarini takomillashtirish	90
Nargiza Akbardjonovna Abduvaxidova Barqaror turizm rivojlanishida muammo va imkoniyatlar	94
Фарход Абдихидович Бекназаров, Азиза Пирмаматовна Махмудова Мамлакатимиз экотизими ва маданий меросини комплекс сақлаш ҳамда минтақада экотуризмни ривожлантиришда геопапркларнинг ўрни	99
Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova Iqtisodiyotni raqamlashtirishda turizm va mehmonxona xizmatlarini tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	103
Камилла Бахромовна Суюнова, Олтинбек Бобирович Умаров Роль маркетинговых стратегий в развитии цифровизации сферы туризма в Узбекистане	108
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Sitara Otabekovna Xamroyeva Jismoniy imkoniyatlari ma'lum darajada cheklangan insonlar turizmini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalarning ahamiyati	111
Parvina Asliddin qizi Xolmatova Hududlarda ekoturizmni tashkil etish va rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi	114
Xasan Ibragimovich Turdibekov O'zbekiston sharoitida overturizmni baholash uslubiyatini takomillashtirish	118
Aziza Yusufbekovna Talibova O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot sharoitida ekskursiya xizmatlarini rivojlantirishning samarali yo'llari	122
Нодир Нозимович Негматов Роль визуальных и культурных стимулов Узбекистана в формировании лояльности туристов: нейромаркетинговый подход.	127
Nodirjon Abduxalil o'g'li Xoliqov, Ibragim Xudayarovich Nimatov O'zbekiston Respublikasi turistik salohiyati: tahlillar va istiqbollar	132
Азиза Пирмаматовна Махмудова, Ситора Отабековна Ҳамраева Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда Big Data технологияларидан фойдаланиш йўллари	138
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Nigina Marupovna Usmanova, Mavluda Shuxratjon qizi Nishonova Qarorlar qabul qilish jarayonini tahlil qilish va korxonada boshqaruvni takomillashtirish yo'llari	140
Gulshan Akmalovna Abduvohidova Tashkilot intellektual resurslarini boshqarish tamoyillari	145

Рамз Зоиржон ўғли Мухаммадиев – ТДИУ мустақил изланувчиси, (PhD), доцент.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШДА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада соғлиқни сақлаш тизимида мабағлардан самарали фойдаланишнинг ечими сифатида рақамли иқтисодиёт концепцияси имкониятларидан фойдаланиш, замон билан уйғун ҳолда рақамли технологияларни соҳада тўлиқ жорий этиш, юқори технологияли тиббий ускуналардан фойдаланиш орқали беморларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда аҳолига қулайлик яратиш масалалари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: молиялаштириш, рақамли иқтисодиёт, ақилли тиббиёт, телемедицина, хусусий сектор, менежмент, соғлиқни сақлаш.

Кириш. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва уни етарли миқдорда маблағ билан таъминлаш ва ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш бугунги кунга қадар жаҳон ва миллий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, улар дунёнинг аксарият мамлакатларида эрта ўлимнинг олдини олиш ва аҳолининг ногиронликка сабаб бўлувчи ҳолатлар билан юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш орқали курашишда етакчи омил бўлиши, бу эса аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлаш даражасини белгилаши кўп бора таъкидланиб келинмоқда.

Аҳоли орасида “касалликни ёшариши” деган ибора мавжуд бўлиб, бу асосан коронавирус пандимияси даврида касалликка чалинган беморларнинг бугунги кундаги саломатлик ҳолатини пасайтириб, уларнинг яширин касалликларини қайта ривожланиши ва эрта юзага чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу касалликлар орасида юрак қон-томир тизими касалликлари (ЮҚТТК) асосий кўрсаткичларни эгаллаб, ушбу касаллик авваллари жисмоний ҳаракати пасайган ва юқори стрессда бўлган кекса қатлам вакиллари орасида учраши кузатилган бўлса, эндиликда кўп ҳолатларда ўрта ва катта (30-50) ёшдаги аҳоли орасида кузатилиб, уларнинг ўлими ва ногиронлигига олиб келмоқда. Айтиш жоизки, бу касалликлар ушбу тоифадаги шахсларнинг меҳнат қобилятини эрта йўқотиши ва ҳаёт сифатининг пасайиши туфайли ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммони келтириб чиқаради, чунки аҳолининг бу қисми жамиятдаги асосий меҳнат ва интеллектуал салоҳият эгалари ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ЮҚТТК дан йиллик ўлим даражаси тахминан 17,9 миллион кишини ташкил этади, бу дунёдаги барча ўлим ҳолатларининг 32% ини ташкил қилади. ЮҚТТК дан ўлим, касалланиш ва ногиронликнинг юқори даражаси аҳоли саломатлигига бевосита таҳдид солади ва катта иқтисодий зарарга олиб келади. 2018 йилда келтирилган маълумотларга кўра инсон саломатлигини йўқотиш билан боғлиқ иқтисодий зарар миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан мамлакат соғлиқни сақлаши учун давлат харажатлари билан таққосланса ушбу кўрсаткичлар Россияда - 3,5%, АҚШ - 7,9%, Германия - 8% ва Франция - 8,8% эканлигини келтириб чиқаради [1].

Ушбу кўрсаткичлар ривожланган мамлакатларга қараганда Ўзбекистон Республикасида янада кам эканлиги, яъни 2023 йилдаги иқтисодий зарарни таҳлил қилишда юқумли бўлмаган касалликлардан келиб чиқадиган иқтисодий зарар 31,2 трлн.сўмни ташкил қилиб, бу мамлакат йиллик ЯИМнинг 2,9 фоиз тенг, шундан қарийб 45% ЮҚТТКига тўғри келади. Касалланишнинг кўпайиши юқори ўлим ва ногиронлик, меҳнат унумдорлигининг пасайиши билан боғлиқ катта иқтисодий зарар ва соғлиқни сақлашнинг чекланган молиялаштириш шароитида тиббий ёрдам харажатларини самарали ва иқтисодий даволаш стратегияларини излашнинг долзарблигини белгилайди, шунингдек диагностика, профилактика ва тиббий хизматлар кўрсатишнинг янги йўналишларини, шу жумладан ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдамни ишлаб чиқишни ва зарур маблағлар манбасини яратишни тақозо этади [2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиёт тармоқларида маблағлардан самарали фойдаланиш масалалари хорижлик олимлар Емелянов С. [3], Мочалников В.[4] ва мамлакатимиз олимлари М.Пардаев, Абдукаримов И. Б.Исроилов[5], томонидан мавжуд технологиялардан фойдаланиш, статистикани юритиш, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш, харажатларни режалаштириш ва иқтисодий самарадорликка эришишга эътибор қаратган ҳолда ўрганилган. Лекин аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббиётдаги маблағлар, уларни сарфлаш режалари, уларни афзалликларини белгилаш, устивор йўналишларни аниқлаш орқали маблағлардан мақсадли фойдаланиш, касалланиш даражаси юқори бўлган ҳудудларга зарур маблағларни тақсимлаш, маблағларни тежаш ва кутилмаган юқумли касалликларга қарши курашда иқтисодий самарадорликка эришиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг услубий асосини 2030 йилгача бўлган даврда тизимда замонавий, илғор тиббий технологияларни кенг қўллаш, тиббий хизматларни марказлаштириш, уларнинг сифатини ошириш, кадрлар тайёрлаш ва уларга муносиб шароит яратиш, маблағларни беморнинг ҳолатига қараб тақсимлаш тамойилига ўтиш орқали барқарор ривожланиш соҳасида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ташкил этади. Илмий тадқиқот жараёнида гуруҳлаш ва таққослаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий ходисалар ва тадқиқот объекти ўртасидаги муносабатларга тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда аҳолининг юқори технологик тиббий ёрдамни ўз вақтида тақдим этиш имконияти етарли даражада таъминланмаган. Маълумки, ўз вақтида амалга оширилган юқори технологияли аралашувлар юқори даражада ўлимнинг олдини олади ва инсонларнинг ногиронлик даражасини пасайишига, хаёт сифатининг яхшиланишига олиб келади. ЮТТЁ тақдим этиш жараёни жиддий такомиллаштиришга муҳтож бўлиб, бугунги кунда аҳолини ушбу хизматлар билан қамраб олишнинг етарли эмаслиги, соҳанинг қуйи босқичларида етарли имкониятлар яратилмаганлиги ва шу ўринда молиялаштиришни сифатсиз режалаштириш долзарб муаммолар бўлиб қолмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг устувор йўналишлари таркибига соҳа муассасаларини юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослаштириш, ушбу турдаги ёрдамнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, уни туман-шаҳар даражасида аҳоли қатламларига яқинлаштириш, тиббий амалиётда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳозирги кунда катта аҳамият касб этади [6]. Рақамлаштириш шароитида мазкур технологияларини ривожлантириш аҳолига арзон, тежамкор ва юқори сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш ва янги, юқори технологияли қурилмаларни масофадан бошқариш йўлини ишлаб чиқиш ва жорий этиш -“Телемедицина” учун асос яратишга ёрдам бери [7].

Меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида энг кўп учрайдиган иқтисодий зарар вақтинчалик ёки доимий ногиронликдир. Мамлакат иқтисодиёти учун касалликнинг салбий томони ҳам фуқароларни даволаш ва реабилитация қилиш харажатлари, ҳам иқтисодий товарлар ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳоли сонининг камайиши билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳолининг 782 минг ёки 2,4% ногиронлиги бўлган шахс сифатида пенсия ва нафақа олувчилар ҳисобланади (улардан 376 минг нафари I-II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслардир). Ҳар йили ногиронлик нафақасининг энг кам миқдори ҳар бир бемор учун 7,5 млн.сўмни ташкил этади. 18 ёшгача бўлган ногирон болани парвариш қилиш билан шуғулланадиган битта қонуний вакилга йилига 6,0 млн.сўмлик нафақа тўланади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан кўринадики, бир йиллик ногиронлик нафақасининг 1/5 қисмини юқори технологик тиббий ёрдам учун тўлаш билан бирга, тўғридан-тўғри ва билвосита иқтисодий зарарнинг барча тоифалари учун давлат бюджетини 70-85% тежаш мумкин бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, давлат бюджети маблағларини инсон саломатлиги учун мақсадли йўналтириш, юқорида кўрсатилган ва беморларнинг ногиронлигини йиллик молиявий қўллаб-қувватлаш нуктаи назаридан тежашга ёрдам беради.

Хулоса қилганда, соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияли тиббий ёрдамни ривожланиш масалалари долзарб бўлиб, бу авваламбор инсон ҳаётини сақлаб қолишда ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Тезкорликда кўрилган чоратadbирлар натижасида касалланган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ошиб, унинг умри узайишига олиб келади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида молиявий ресурсларни самарали бошқариш хизматлар сифатини яхшилаш ва аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Тиббиёт тизимида маблағлар самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Аҳолининг эҳтиёжларини инобатга олиб, аҳоли сони, касалликлар кўлами ва худудий хусусиятларга қараб молиялаштириш моделларини такомиллаштириш.

2. Ҳар бир тиббий хизмат ва дориларнинг нархи ҳамда самарадорлигини таҳлил қилиш ва тиббий асбоб-ускуналарни марказлашган ҳолда харид қилиш орқали харажатларни оптималлаштириш.

3. Бемор маълумотларини шакллантиришда рақамли технологияларни жорий этиш ва ортиқча текширувларни камайтириш.

4. Касалликларни олдини олиш (иммунизация, скрининг, патронаж хизмати) орқали соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган иқтисодий юкни камайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. World Health Organization. Fact sheets. Cardiovascular diseases (CVDs). 11 June 2021. [https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/cardiovascular-diseases-\(cvds\)](https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/cardiovascular-diseases-(cvds)).

2. Cuba Gyllensten I, Crundall-Goode A, Aarts RM, Goode KM. Simulated case management of home telemonitoring to assess the impact of different alert algorithms on workload and clinical decisions. BMC Med Inform Decis Mak. 2017 Jan 17;17(1):11. doi: 10.1186/s12911-016-0398-9.

3. Емельянов С. Стратегия развития науки и технологии в США в XXI веке. // Проблемы теории и практики управления. 2002..№ 1.С .19-24.

4. Мочальников В.Н. Отраслевые особенности кластеризации экономики/Вопросы экономики и права. 2014. No 7. -С. 74-82

5. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2003.- 256 бет

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПҚ-“Маъмурий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш бўйича реформалар” 197-сонли қарори.

7. Расширение доступа к телемедицине за счет исключений из лицензирования 1; Кейли Уилсон2; Атеев Мехротра, 314 декабрь 2023 г. doi:10.1001/jama.2023.24960.

P.Мухаммадиев	R.Mukhammadiev
<p>Роль высоких технологий в повышении качества медицинских услуг</p> <p>Аннотация. В данной статье обсуждаются вопросы использования возможностей концепции цифровой экономики как решения эффективного использования ресурсов в системе здравоохранения, полного внедрения цифровых технологий в отрасль в соответствии с современностью, повышения качества специализированных медицинских услуг пациентам за счет использования высокотехнологичного медицинского оборудования и создания удобств для населения.</p> <p>Ключевые слова: финансирование, цифровая экономика, умная медицина, телемедицина, частный сектор, менеджмент, здравоохранение.</p>	<p>The role of high technologies in improving the quality of medical services</p> <p>Abstract. This article discusses the use of the possibilities of the digital economy concept as a solution for the effective use of funds in the healthcare system, the full implementation of digital technologies in the field in accordance with the times, improving the quality of specialized medical care for patients through the use of high-tech medical equipment, and creating convenience for the population.</p> <p>Keywords: financing, digital economy, smart medicine, telemedicine, private sector, management, healthcare.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.